*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
15 январь
ШАНБА

№ 5
(12.329)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

**2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ**



## УЧ ҒИЛДИРАКЛИ ЁРДАМЧИ

**Кўчаларда уч ғилдиракли юк ташувчи мотоциклларга кўзингиз тушган бўлса керак. Бу мўъжаз мотоцикллар ўзимизнинг "Пискент ханон" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда.**

Корхона ташкил этилганига эндигина бир йил бўлди. Фаолиятни йўлга қўйиш учун ҳамкорларнинг 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ҳамда "Қишлоққурилишбанк"нинг 120 миллион сўм кредити керак бўлди. Ҳозир ҳар чоракда 140 дона маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мижозларга етказилмоқда.

– Хитойдаги "Минди-Синди" фирмаси раҳбарлари билан ҳамкорлигимиз корхонамизнинг очилишига сабаб бўлди, – дейди корхона раҳбари Шерзод Турсунов. – Ишлаб чиқараётган мотоциклларимиз ҳар томонлама қулай ва тежамкор. Уни истаган одам бемалол харид қилиши мумкин.

Рўзғор ишлари ва бозор-ўчарда у тайёр ёрдамчи.

**Феруза ТЎРАЕВА.**



**СУРАТДА:** корхона раҳбари Шерзод Турсунов (ўртада) ишчилар билан.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ**

## ЙИЛЛИК ВАЗИФАЛАР САЛМОҒИ

**Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессияга вилоят ҳокими, Халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси Рустам Холматов раислик қилди.**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан 16-Янгиҳаёт сайлов округи депутати, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Баҳодир Тоғаев сўзга чиқди. Депутат республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда давлатимиз раҳбари ўша мажлисда тавсия этган янги қонун лойиҳаларининг аҳамиятига тўхталди.

Мазкур масала юзасидан, шунингдек, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Салоҳиддин Сатторов ҳамда "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари бош муҳаррири Убайдулла Абдушоҳидов сўзга чиқиб, концепциядаги асосий жиҳатларнинг ҳаётга татбиғи ҳақида фикр юритдилар.

Кун тартибидаги иккинчи масала – вилоятнинг 2010 йил иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунлари ва 2011 йилда амалга ошириладиган вазифалар ҳақида иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Анвар Абдуқодиров маъруза қилди. У ўтган йилда вилоятда деярли барча параметрлар бўйича ўсиш кузатилганини таъкидлади.

Сессияда, шунингдек, Халқ депутатлари вилоят кенгаши ҳамда доимий комиссияларнинг иш режалари муҳокама этилиб, депутатлар томонидан тасдиқланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

**ПАРКЕНТ ТУМАНИ**

### ДЎСТ БЎЛАЙЛИК

**1-умумтаълим мактабида бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим услубларини дарсларда қўллаш бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Унда туман мактаблари раҳбар ва ўқитувчилари қатнашди. Семинар-тренингни ўтказишдан кўзланган мақсад болаларга дўстона муносабатда бўлиб, дарслар вақтида ўзларини эркин тутишлари, иқтидорларини тўла намойиш этишларида кўмаклашишдир.

**БЕКОБОД ТУМАНИ**

### БИР ТУМАНДА 370 ТА КОРХОНА

**Меҳнатобод қишлоғининг «Тақачи» маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида шинам уйлар қад ростламоқда. Уларни "Истиқбол" ва "Бегижон Мирзаота" хусусий қурилиш ташкилотлари барпо этаётир.**

Умуман, Зафар шаҳарчаси ва қишлоқларда 370 дан ортиқ юридик мақомга эга бўлган хусусий тадбиркорлик корхоналари ва фирмалар аҳолига турли хизматлар кўрсатиб, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш-созлаш ишлари билан шуғулланаяпти.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**ЧИНОЗ ТУМАНИ**

### АВТОБУСЛАР СЕРҚАТНОВ

**"Давр автобизнес" корхонасининг "Исузи" русумли автобуслари "Чиноз-Тошкент" йўналиши бўйича аҳолига хизмат кўрсата бошлади.**

Бундан ташқари, автоташкилотнинг янги автобусларидан ўн бештаси "Тошкент-Термиз" оралиғида қатнамоқда. Келажакда йўловчи ташувчи транспортларни 50 тага етказиш режалаштирилган.

**Азамат АҲМЕДОВ.**

**ПИСКЕНТ ТУМАНИ**

### КЎЧАТ ЭКИШ ҚИЗҒИН

**Туманнинг барча маҳалларида кўчат экиш қизғин давом этмоқда.**

«Мўминобод» маҳалласида 2 мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Маҳалла кўркам, обод бўлишида ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшмоқда.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

**БЕКОБОД ШАҲРИ**

### ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

**Республика Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармасининг шаҳардаги ахборот-маслаҳат марказида ўзбек-хитой савдо уйининг дилерлик пункти очилмоқда.**

Эндиликда Бекобод тадбиркор ва ишбилармонлари ХХРга бизнес саёҳатлар уюштириш, хорижий минитехнологияларни олиб келиш ва ишга тушириш масалаларини бевосита шу ернинг ўзида ҳал қилиш имкониятига эга бўлдилар.

**Мурод ЖЎРАЕВ.**

**ЗАНГИОТА ТУМАНИ**

### ҲОТАМТОЙЛАР КЎПАЯВЕРСИН

**"Тўхтаниёзота" фермер хўжалиги кўп йиллардан бери 58-умумтаълим мактабини ҳомийликка олган.**

Бу йил ҳам анъана давом эттирилди. Хўжалик ҳисобидан 1-синфнинг 90 ўқувчиси ва кам таъминланган 50 оила фарзандларига совға-салом ҳамда қишки оёқ кийимлар топширилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## ФАРОВОН КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Ўзбекистон ХДП "Истиқбол" ёшлар қаноти Янгийўл туманида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи" мавзусида тадбир ташкил этди.**

Анжуман Янгийўл шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркор ва ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси билан бошланди. Унда «Мезон» маҳалласида истиқомат қилувчи касаначи, қандолатчи ва чеварларнинг ишлари йиғилганлар эътиборини тортди.

Давра суҳбатида ЎзХДПнинг Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги гуруҳи аъзолари маҳалладаги касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртларини тугатаётган битирувчиларни иш билан таъминлаш муаммоларининг ҳал этилиши, оила-маҳалла-мактаб тамойили бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Ёшлар тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун банклар ажратаётган кредитлар, уларнинг турлари ва фоиз ставкалари тўғрисида "Агробанк"нинг Янгийўл шаҳар бўлими ходимлари маълумотлар беришди.

Тадбир сўнгида ноқонуний йўллар билан чет элларга иш излаб кетиб, ўзларининг саломатлиги ва ҳаётини хавф остига қўйган ёшлар қисмати ҳамда одам савдоси жиноятларининг оқибатлари ҳақидаги "Уқубат" фильми намойиш этилди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

**ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН УЧУН**

## ЖАЛИЛ ОТАНИНГ ҚУВОНЧИ

**Ғазалкентлик Жалил ота нимаям бўлди-ю, "райсобес"га отланди. Анчадан бери келмаган бўлса-да, "пенсахона" кўчасини дарров топди. Лекин таниш бинони қидириб анча овора бўлди. Аввалги кўримсиз бинонинг ўрнига аллақандай замонавий ташкилот ёки хорижий ваколатхона кўчиб келиб қолгандек туюлди, назарида. Ниҳоят, чиройли бинонинг олдида турган бир қиз муаммони тушунди шекилли, "пенсия жамғармаси керакмиди, амаки" деб сўраб қолди.**

Ишини тез битирган Жалил ота ходимларнинг хушмуомала, идоранинг батартиб ва саришта бўлиб қолганидан пича ажабланди ҳам...

Жалил отанинг аҳволини тушуниш мумкин. "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкилий тузилмасини шакллантириш тўғрисида"ги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш асносида пенсия тайинлаш ва бериш тузилмаси ва иш услублари тубдан ўзгартирилди. Энг аввало ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш мақсадида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг вилоятимиздаги барча бўлимлари бинолари капитал таъмирланди. Замонавий техника ва компьютер жиҳозлари ўрнатилиб, бўлимларда ҳужжатлар айланмаси ва архив фаолияти такомиллаштирилди.

– Бу ўзгаришларни кўриб, очиғи қайси идорага келганимни англамай қолдим, – дейди пенсионер Жалил Худойбердиев. – Авваллари пенсия тайинлашлари учун ҳужжат топширсанг, узоқ кутиб, қоғоз тўғрилаб, сарсон бўлардинг. Ҳозир эса аҳвол тубдан яхшиланибди. Ходимларнинг қош-қовоғига қараб сарғайиб ўтириш, бир муаммони деб қайта-қайта овора бўлиш йўқ энди. Пенсия пулини ҳам ойма-ой, вақтида олиб турибмиз.

Жамғарманинг барча тизимларида бўлгани каби, Бўстонлиқ туман бўлимида ҳам мурожаатларни кўриб чиқиш, пенсия тайинлаш ва беришда қонунчиликда кўрсатилган муддатлардан четга чиқилмайди. Энг муҳими, бўлим фаолиятида холислик ва қонунийлик тамойилларига қатъий риоя қилинади. Шахсий манфаат йўлида ҳужжат ва маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаган, уларни қалбакилаштирган шахслар фаолиятига чек қўйилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 11 январдаги "Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига биноан мамлакатимизнинг мудофаа қудратини юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, шунингдек ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз юксак мукофотлар – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиз вакилларидан вилоят Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири ўринбосари **Абдукодир Абдувахобов** (II даражали "Шон-шараф" ордени билан), вилоят Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари **Сохибжон Норов** ("Жасорат" медали билан), Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғи **Хусан Кучкаров** ("Содиқ хизматлари учун" медали билан) бор.

**ЮРТ САРҲАДЛАРИ – МУҚАДДАС!**

## ҒУРУР ВА ИФТИХОР ИФОДАСИ

**Дунёда касблар кўп. Одамзот халққа хизмат қилиш орқали ўз манфаатларини, оиласи фаровонлигини таъминлайди. Аммо яна бир касб борки, у том маънода фидойилик, матонат ҳамда ватанпарварликни талаб этади. Ўзини ҳарбий хизматга чоғламайдиган, Ватан тинчлиги йўлида жонини тикмайдиган, садоқат ва жасоратдан йироқ одам ҳарбий бўла олмайди.**

Чирчиқ шаҳридаги Гарнизон офицерлар саройидаги тантанага йиғилган аскар ва зобитлар, ҳарбий билим юртлари курсантларининг кўзларида ана шу фазилатлар барқ уриб турганига гувоҳ бўлдик. Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 19 йиллигига бағишлаб уюштирилган ушбу тантанали йиғилиш вилоят ҳамда Тошкент ва Чирчиқ шаҳар ҳокимликлари вакиллари, шунингдек, Тошкент ҳарбий округи қўмондонининг байрам қутловлари билан очилди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев ҳарбий хизматчиларни байрам билан қутлаб, Қуролли Кучларда хизмат қилиш ҳар бир фуқаро учун нафақат конституциявий бурч, балки шарафли вазифага айланганини таъкидлади. Миллий армиямизда сўнгги йилларда олиб борилаётган самарали ислоҳотларнинг аҳамиятига алоҳида урғу берди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда миллий хавфсизлик ва барқарорлик, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик

(Давоми 2-бетда).



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# ИНСОН МАНФААТИ – ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Тошкент вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов билан суҳбат**

**– Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганларидек, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, инсон, унинг манфаатлари энг олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шухрат Холбўтаевич, айтинг-чи, бу жараёнларда касаба ташкилотлари қандай ўрин тутаяпти?**

– Ҳар жиҳатдан туб янгиланишлар йўлидан бораётган Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгалламоқда. Юртимиздаги барқарор тинчлик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, халқимизнинг бағрикенглиги, тобора мустаҳкамланиб бораётган миллатлараро дўстлик мамлакатимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатларига жўшқинлик бағишламоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг V қурултойида илгари сурилган фикрлар ва қабул қилинган қарорлар касаба ташкилотлари ҳаётимизда тобора муҳим ўрин тутаётганлигини тасдиқлади. "Ҳаётбахш янгиланиш ишларида ўз сафларида миллионлаб меҳнаткашларни бирлаштирган энг оммавий жамоат ташкилотлари – касаба уюшмалари фаол қатнашмоқдалар, – деб таъкидлайдилар Юртбошимиз. – Улар меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини холисона ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигининг амалда бажарилиши кафолатларига эришиш, ўз-ўзини бошқариш каби энг долзарб вазифаларни ҳал қилишда иштирок этишни ўзларининг асосий бурчлари деб билмоқдалар ва халқимиз орасида обрў қозонмоқдалар".

Касаба уюшмаларининг жамиятимиздаги бугунги ўрни ва роли Конституциямизда, тегишли қонунларда белгилаб қўйилган. Шу асосда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш уларнинг бош вазифаси бўлиб турибди. "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун касаба уюшмаларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлади. Ҳозирги пайтда вилоятимиз иқтисодиёти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда кенг тармоқли уч мингга яқин бошланғич касаба ташкилотлари ўз сафларига 558 мингдан зиёд меҳнатчини бирлаштириб турибди.

Мулк хилма-хиллиги, ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши барча тармоқ касаба ташкилотлари олдига ўта масъулиятли талаблар қўймоқда. Инсон омилига эътиборни кучайтириш, меҳнат аҳли манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлиш ниҳоятда шарафли, албатта. Бироқ, бу вазифалар чуқур билимдонлик, омилкорлик, ташаббускорлик ва қатъият билан иш юритишни тақозо этади. Мамлакатимизни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган янги-янги фаолият йўналишларини излаб топиш, улардан халқимизнинг барча қатламлари манфаати йўлида фойдаланиш касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларига айланмоқда.

**– Айтинг-чи, касаба уюшмалари фаолиятининг муваффақиятини таъминловчи асосий омил нима?**

– Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорлик шундай асосий ва кучли омил ҳисобланади. Тармоқ битимлари, келишувлар, жамоа шартномалари иш берувчилар билан барқарор ҳамкорликни қонунлаштириш ва рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади. Улар турли мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиб, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимояланишини таъминламоқда.

Бу фикрни асослаш учун айрим мисолларни келтириш кифоя деб ўйлайман. Айтайлик, жамоа шартномалари талабларини бажариш учун ҳар бир ишловчи ҳисобига сарфланадиган маблағ сўнгги беш йилда 298,5 минг сўмдан 404 минг сўмга кўпайди. Жамоа шартномалари орқали мулк эгаларининг маблағлари ҳисобидан 5471 ходим соғломлаштирилди. Бунинг учун 867 миллион сўм маблағ ажратилди. Кам таъминланган ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш учун фоизсиз ссудалар бериш, ижтимоий тўловларга кўмаклашиш, имтиёзли даволатиш ва дам олдириш, иш жойларининг экологик, санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш каби тадбирларга битим ва жамоа шартномаларида кўзда тутилганидек, мулк эгалари ёки иш берувчилар ҳам, касаба ташкилотлари ҳам юз миллион сўмлаб маблағ сарфламоқдалар.

**– Иш билан бандликни таъминлаш бугун асосий масалага айланди. Касаба уюшмаларининг уни ҳал этишга қўшаётган ҳиссалари хусусида нима дея оласиз?**

– Вилоят касаба ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, барча тармоқ касаба ташкилотларимиз бу борада маҳаллий ҳокимият идоралари, хўжалик ташкилотлари ва иш берувчилар билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Натижада янгидан ташкил этилаётган иш ўринлари йил сайин кўпаймоқда. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига катта путур етказаётган ҳозирги иқтисодий танглик шароитида бунга эришилиши енгил кечмаётгани аён.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун ижросини назорат қилиш касаба идораларининг муҳим вазифасига айланди. Қишлоқ жойларида кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш дастурларининг ижросига устуворлик берилмоқда. 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши бундан буён шу соҳага эътибор янада кучайтирилишидан далолатдир. Касаба ташкилотлари ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, банкротлик даражасига етиб қолган корхона ва ташкилотларда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни кучайтираяпти.

**– Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхона ва ташкилотларида ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, техника хавфсизлиги масалалари долзарб тус олаяпти. Бу масалага касаба уюшмалари иштирокини қандай баҳолайсиз?**

– Касаба қўмиталарининг меҳнат муҳофазаси комиссиялари, жамоатчилик вакиллари, тармоқлардаги меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларимиз бу борада изчил иш олиб боришмоқда. Асосий эътибор корхона ва ташкилотларда иш жойларини шаҳодатлаш, ишловчиларни санитария-маиший хона ҳамда махсус кийим-бош, пойабзал ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаш, техника хавфсизлиги хоналарида ўқишлар ташкил этиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш масалаларига қаратилмоқда. Кейинги йилларда мутахассисларимиз 2667 та корхона ва ташкилотдаги вазиятни ўрганиб чиқишди. Шу жараёнда меҳнат муҳофазаси қонуни талаблари, техника хавфсизлиги қоида ва меъёрларига риоя этмаслик ва бошқа қонунбузарликларга доир 16,5 мингдан зиёд камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Мутахассисларимизнинг аралашуви билан уларнинг 90-95 фоизи мониторинг ва текширишлар давомида бартараф этиляпти.



Жамоа шартномалари ва битимларда иш шароитларини яхшилашга қаратилган ташкилий-техник тадбир ва режалар кенгайтирилиб, уларни амалга оширишга сарфланаётган маблағлар йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Бир ишловчи ҳисобига кейинги йилларда деярли 1,8 баравар кўп маблағ сарфланмоқда. Фақат 2009 йили корхона ва ташкилотлар шу мақсадлар учун 3 миллиард 170,6 миллион сўм маблағ сарфлади.

**– Лекин, камчиликлар тўла бартараф этилмаётир. Бу масалада касаба ташкилотлари ҳаракатига қандай муаммолар тўсқинлик қилаяпти?**

– Асосий нуқсонлар ишнинг қониқарсиз ташкил этилиши, техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки ишловчини улар билан тўлиқ таништирмаслик билан боғлиқ. Шу муносабат билан тармоқ касаба кенгашлари ва вакилликлар, касаба қўмиталари жойларда зарур шароитлар яратилиши, ишловчиларни техника хавфсизлиги қоидалари бўйича ўқитиш ва махсус иш кийимлари, пойабзал ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш, ишга тушиш олдидан махсус йўл-йўриқлар берилишига эътиборни кучайтиришлари керак.

Бугунги кунда меҳнат жамоаларида сайлаб қўйилган 4225 вакил меҳнат муҳофазаси устидан жамоат назорати олиб бормоқда. Касаба идоралари уларнинг фаоллигини кучайтиришлари керак.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини намунали ташкил этиш юзасидан кўрик-танловнинг таъсирини кучайтириш ҳаракатидамиз. Сўнгги шундай танловда "Махсам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамияти, "Бекободцемтаъмир" масъулияти чекланган жамияти, Ангрен шаҳридаги 28-мактаб касаба қўмиталари ғолиб деб топилди. "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонаси, "ОКМК"нинг марказий таъмирлаш-механика заводи ва Чирчиқдаги "Дека" масъулияти чекланган жамияти касаба қўмиталари комиссиялари биринчиликни эгаллади. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа вакиллари А. Шералиев, Б. Саидов ва Ҳ. Парпиеванинг фаолияти эса, энг яхши ва ибратли деб топилди.

Бу масалалар ҳозир вилоят касаба кенгаши томонидан ишлаб чиқилаётган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" дастурида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

## ЁШЛИК ХАБАРЛАРИ

**ОЛМАЛИҚ.** "ОКМК" очиқ акциядорлик жамияти махсус таъмирлаш ва Қалмоққир кон бошқармалари касаба қўмиталари ёшлар учун семинар ташкил этишди. Иштирокчилар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилди. Машғулотларда 500 дан зиёд ёш ишчи-хизматчилар иштирок этишди.

**Кумри ҲАМИДОВА.**

**ЧИНОЗ.** Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши қишлоқ хўжалик коллежининг 2 ўқувчисига стипендия таъсис этди. Баркамол авлод йилида уларга 280 минг сўм стипендия тўланди.

**БЕКОБОД.** "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси Баркамол авлод йилида қуриб, фойдаланишга топширган спорт иншоотларида касаба қўмитаси саъй-ҳаракати билан 27 та янги иш ўрни яратилди.

**Игорь КУЗЬМИН.**

**ҚИБРАЙ.** Тошкент Давлат аграр университети санаторий-профилакторийсида сўнгги бир йилда 350 талаба ва 7 ёш ходим дам олдирилиб, соғломлаштирилди.

**Кудрат АЛИМОВ.**

**ЯНГИБОЗОР.** Юқоричирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси касаба қўмитаси ёш тиббиёт ходимлари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирди. Маҳобатли осориатиқалар, тарихий ва меъморий ёдгорликлар 56 ёш саёҳатчида унутилмас таассурот қолдирди.

**Эшмат КАРИМОВ.**




**20 ЙИЛЛИККА – 20 ТУП КЎЧАТ**

## ЯНГИ БОҒЛАР БАРПО ЭТАМИЗ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг V қурултойида ҳар бир касаба фаоли Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига 20 тупдан кўчат ўтқазиши тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди.**

"Биз ҳар бир касаба аъзосини жаннатмакон юртимизга янада файз бағишлаш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод қилиш ва кўркамлаштириш мақсадида "Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига – 20 туп кўчат экаман!" шиори остида бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этишга чақирамиз, – дейилади мурожаатномада. – Шу она юрт, шу азиз Ватан барчамизники. Унинг ободлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш муқаддас бурчимиздир".

Тармоқ, шаҳар ва туман касаба идоралари жойларда қизғин иш бошлаб юборишди. Пискент тумани ҳокимлиги касаба ташкилотлари вилоят кенгаши ташаббусини қўллаб-қувватлаб, мевали боғ яратиш учун 21 гектар ер ажратди. Қисқа фурсатда 2060 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Юқоричирчиқ туманида 224 гектар янги боғ барпо этиш режалаштириляпти. Бўка туманида ҳокимлик ташаббуси билан соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бўлимлари касаба ташкилотлари, "Қишлоқхўжаликкимё" корхонасига бир гектардан, коллежларга 3 гектар ер ажратилди.

Оққўрғон туман касаба ташкилотларида бу ҳаракат уюшқоқлик билан бошланиб, қисқа фурсатда 301 туп мевали, 2200 туп манзарали дарахт кўчати, 3745 туп қаламча экилди. "Чиноз тўқимачи" корхонаси 3 гектар майдонни кўчат экишга тайёрлаб қўйди. Бу ерда мевали боғ яратиш мўлжалланган.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида бу ҳаракат қизғин тус олаяпти. Касаба кенгашлари ва қўмиталари, тармоқ вакилликлари янги боғ-роғлар барпо этиш ташаббусини янада кенг қулоч ёйдиришлари, барча касаба аъзолари унга муносиб ҳисса қўшишларини таъминлашлари лозим. Ҳар биримиз эккан 20 туп кўчат шаҳримиз, қишлоғимиз, маҳалламизни кўркамлаштириб, рўзғоримизга қут-барака киритсин.

**Муяссар ИСМОИЛОВА, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакили.**





**СУРАТЛАРДА:**

*Пискент туман тиббий хизмат бирлашмаси касаба қўмитаси раиси Шаҳло Раҳимова (ўнгдан иккинчи) шифокорлар билан; ёш тиббиёт ходимлари меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш масалалари хусусида суҳбатлашишмоқда.*

**Собир ЗУФАРОВ ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

**СЎЗ – КАСАБА СПОРТЧИЛАРИГА**

## ОНА-ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ УЛУҒЛАЙМИЗ

**Баркамол авлод йилида касаба уюшмалари вилоят ташкилотларида спортнинг барча турларини кенг оммалаштириш, машғулотларга ишловчи ходимларни, айниқса, ёш йигит-қизларни жалб қилиш, спорт мактаблари ва клублари ишини яхшилаш аниқ режа асосида олиб борилди. Янги спорт иншоотлари қурилиб, спортчилар маҳоратини ошириш имкониятлари кенгайтирилди. Натижада вилоятимизнинг касаба спортчилари турли спартакиадалар, халқаро, минтақавий ва мамлакат биринчиликларида муваффақиятли қатнашдилар. Қуйида ана шу йирик мусобақаларда вилоятимиз, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совринли ўринларни эгаллаган ғолибларга сўз берамиз:**

**Бекобод "Металлург" спорт клуби боксчиси Камолиддин АҲМЕДОВ:**

– Сўнгги йиллар менинг ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Юқори малакали устозларнинг ёрдамлари, "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва касаба қўмитаси машғулотларимизни ўтказиш учун яратиб берган мукаммал шарт-шароитлар туфайли маҳоратимни ошириб, мусобақаларда муваффақиятли қатнаша бошладим. Жумладан, бокс бўйича Хитойда ўтказилган халқаро турнирда биринчи ўринни эгалладим.

Баркамол авлод йили спортчиларимизга кўп муваффақиятлар келтирди. Эркин курашчимиз Нодир Сафаров аввал ёшлар ўртасида жаҳон чемпионлиги, кейин Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

**Олмалиқ "Металлург" спорт клуби аъзоси Сергей ТИМШИН:**

– Клубимиз спортчилари халқаро ва мамлакат мусобақаларида қувончли натижаларга эришяптилар. Ўзим енгил атлетика билан шуғулланиб, баландликка сакраш бўйича Марказий Осиё биринчилигида ғолибликни қўлга киритдим.

Шаҳримизда спортнинг қўл тўпи тури кенг оммалашмоқда. Машғулотларда аёллар, айниқса, фаол иштирок этишаётир. Клубимизнинг улардан тузилган жамоаси Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиқиб, кубок соҳиби бўлди. Эркаклардан иборат волейбол жамоаси эса, кумуш медални қўлга киритди.

**Вилоят терма жамоаси аъзоси Темур ОМОНОВ:**

– Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилаётган спартакиада ва мусобақаларда спортчиларимиз муваффақиятли қатнашяптилар. Чунончи, спорт мактаблари тарбияланувчиларининг спартакиадасида вилоятимиз жамоаси мини-футбол бўйича биринчи, енгил атлетика бўйича учинчи ўринларни эгаллади.

Касаба уюшмалари федерацияси совриниучун кураш бўйича Термиз шаҳрида ўтказилган мусобақада жамоамиз, айниқса, муваффақиятли қатнашди. Ўзим 66 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда биринчи ўринни эгалладим. Дўстларим Шерзод Расулов, Шуҳрат Ражабов, Жамшид Файзиев, Бахтиёр Менгликулов ҳам ўз вазн тоифаларида юқори кўрсаткичларга эришиб, учинчи ўринларни эгаллашди. Умуман, жамоамиз иккинчи ўринни қўлга киритди.

**Тошкент Давлат аграр университети талабаси Дилдора МЕЙЛИҚУЛОВА:**

– Баркамол авлод йилидаги қувончим шунчаликки, уни ифодалашга сўз топа олмайман. Сабаби – Франциянинг Бордо шаҳрида мамлакатимиз Президенти соврини учун ўзбек кураши бўйича халқаро мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлдим. Мен маҳоратимни янада ошириб, янги йилда ҳам жонажон Ўзбекистонимиз спорт шарафини баланд кўтариш ниятидаман.

**Чирчиқлик дзюдочи Наврўз ФАРМОНОВ:**

– Ўтган йил шаҳримиз спортчилари учун муваффақиятли бўлди. Вакилларимиз – дзюдочи Н. Жўрақобилов, теннисчи О. Ким ва оғир атлетикачи Р. Алпанов билан бирга Хитойда ўтказилган Осиё ўйинларида иштирок этдим. Мен таниқли рақиблар билан куч синашиб, кумуш медални қўлга киритдим. Н. Жўрақобилов бронза медали билан тақдирланди.

**ТАРМОҚ КАСАБА ТАШКИЛОТЛАРИДА**

## АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**Мустақиллик йилларида янги авлод тарбиясига эътибор беқиёс тус олди. Ўсиб келаётган фарзандларимиз миллий истиқлол ғояси, мустақиллик мафкурасини ва замонавий илм-фанни пухта эгаллашлари, жисмоний ва маънавий соғлом, энг асосийси, ўзларининг бахт-саодатлари учун ҳеч нимани аямай, меҳр ва ғамхўрлик билан қуршаб олган азиз ва мўътабар она-Ватанимизнинг асл фарзандлари бўлиб вояга етишларига эътибор кучайтирилди.**

Бу борада Баркамол авлод йили алоҳида ўрин эгаллади. Касаба уюшмалари дастурий режаларини изчил амалга ошириб, бу жараёнларда фаол иштирок этди. Асосий эътибор иқтидорли, интилувчан ёшларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилди. Шу мақсадда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг вилоят кенгаши кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 7 оила фарзандларига йил давомида 1 миллион 226 минг сўм стипендия берди. Турли тоифадаги мактаб ва коллеж ўқувчилари пухта билим олишлари, спорт билан шуғулланишларини таъминлаш мақсадларига вилоят касаба уюшмалари 41,3 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлади.

Йил давомида 659 йигит-қиз санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болаларни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, чекиш сингари зарарли одатлардан сақлаш мақсадида оммавий маърифий-тарбиявий тадбирлар кучайтирилди. Жойларда "Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқдалар" дастури ишлаб чиқилиб, турли кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Тармоқ касаба ташкилотларимизда "Баркамол авлод – келажагимиз бунёдкорлари" санъат фестивали, айниқса, муваффақиятли ўтказилди. У юзлаб чуқур билимли, дунёқараши кенг, ташаббускор, иқтидорли ёшларни қизғин ижтимоий фаолият доирасига олиб кириш имконини берди.

Шу нарса диққатга сазоворки, касаба қўмиталари, бошланғич ташкилотларда ёшларда Ватан туйғусини кучайтириш, уларни мамлакатимизнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари, халқимизнинг азалий қадриятлари, турмуш анъаналари, турли удум ва маросимлар билан чуқур таништиришга эътибор кучайиб бормоқда. Улар учун Тошкент шаҳри, вилоятимиздаги ёдгорликлар, улкан бунёдкорлик қурилишларига саёҳатлар уюштирилаётир.

Вилоят тармоқ касаба кенгаши "Ўзбекистон, сени куйлайман!" санъат фестивалини босқичма-босқич ташкил этиб, бу тадбирларга 13 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлади. Коллеж ва мактаблардаги "Маънавият ва маърифат" хоналари ватанпарварлик тарбияси марказига айланди.

Ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида спортнинг кўпгина турлари кенг оммалашиб бормоқда. Бу жиҳатдан вилоят педагогика институти касаба қўмитасининг фаолияти, айниқса, ибратли. Талабалар ўртасида ўтказилган мини футбол, волейбол, стол тенниси мусобақаларида юзлаб йигит-қизлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Тармоқ ходимларининг мини футбол ва қўл тўпи бўйича мусобақалари муваффақиятли ўтди. Айниқса, "Юрт келажаги – баркамол авлод қўлида!" шиори остида ташкил этилган футбол мусобақалари ўнлаб маҳоратли ёшларни аниқлаб олиш имконини берди. Тармоқ касаба ташкилотларимиз янги йилда ҳам ташкилотчилик ишларини кучайтириб, пухта ишлаб чиқилган дастур ва режаларни амалга оширишга киришдилар.

**Рустам ТОЖИБОЕВ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши бўлим мудири.**

**Саҳифани касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

